

## “Академик Қори Ниёзий меъроси” Илмий-методик маркази Кенгашининг навбатдаги йиғилиши

2021 йил 3 апрелда “Академик Қори-Ниёзий меъроси” Илмий-методик маркази Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Кенгаш йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги В.И.Романовский номидаги Математика институти директори, академик, Кенгаш раиси Ш.А. Аюпов, кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти С.З.Мирзаев, ТИҚХММИ ўқув ишлари бўйича проректори Б.А.Худаяров ва бошқа кенгаш аъзолари ҳамда Москва шаҳридан ташриф буюрган академик Қори-Ниёзий невараси Шавкат Шавкатович Қори-Ниёзий қатнашди. Йиғилишда иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш масалалари кўриб чиқилди.



Германиянинг Франкфурт Университетида ҳар йили ўтказиладиган Ҳалқаро Форумда Республикамиз ўқувчи ёшларининг қатнашиши бўйича тайёргарлик масалалари кўриб чиқилди. Ҳалқаро форумда ҳар йили С.Ҳ.Сирождидинов номли академик лицей ўқувчилари инновацион ғоялари қатнашади ва ғолибликни қўлга киритади. Ўқувчиларнинг Франкфурт шаҳрига сафар харажатлари Қори-Ниёзий Илмий-методик маркази томонидан амалга оширилади. Бу йилги Ҳалқаро Форумда қатнашиш учун биринчи марта “INTERNATIONAL HOUSE TASHKENT” академик лицейининг иқтидорли ўқувчилари ҳам жалб қилинди ва ТЖАБ кафедраси асисистенти Э.Озодов кураторлигида 4 та инновацион ғоялар билан рўйхатдан ўтди. Йиғилишда ўқувчиларнинг Форумга тайёргарлик кўришини назоратга олиш вазифаси масъулларга юклатилди. Шунингдек, май ойида ОТМ талабалари ўртасида математика фанидан танлов ўтказиш ҳамда 2021 йил куз ойларида академик лицейлар ўқувчилари ўртасида фан олимпиадасини ўтказишга келишилди.



**ТИҚХММИ матбуот хизмати**